2022 YIL – INSON QADRINI ULUG‘LASH VA FAOL MAHALLA YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2022-yil 30-iyun, payshanba | № 24 (9188)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ қонунчилиги талабларини енгиллаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг янги воситаларини самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш ва бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида:

1. **2022 йил 1 июлдан** бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига (фойдаланилмаётган объектлар) ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби (таъсирчан солиқ механизми) **бекор қилинсин**.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда автотранспорт воситалари ҳайдовчилари учун қўшимча қулайликларни яратиш, аҳолининг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, фуқароларимизнинг бу борадаги истаклари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик билан ўтказилган **очиқ мулоқот** доирасида аҳолидан автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга рухсатнома бериш учун **тўлов ставкалари миқдорини камайтириш** ҳамда автомототранспорт воситаларини **техник кўрикдан ўтказиш муддатларини** қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар келиб тушаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **2022 йил 1 июл**дан бошлаб:

енгил автотранспорт воситаларининг орқа ён ойналари тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун **рухсатнома олиш тартиби бекор қилинсин**;

жисмоний ва юридик шахсларнинг енгил автотранспорт воситалари олд ён ойналари тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома берганлик учун тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **саккиз баравари** этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 сентябр**дан бошлаб:

а) ишлаб чиқарилганига ўн йилгача бўлган жисмоний шахсларга тегишли енгил автомототранспорт воситаларини **техник кўрикдан ўтказиш ихтиёрий равишда амалга оширилади**;

б) енгил автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:

ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача бўлган енгил автомототранспорт воситалари – **икки йилда бир марта**;

ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлган енгил автомототранспорт воситалари – **бир йилда бир марта**.

Бунда мазкур муддатлар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолиятида фойдаланиладиган енгил автомототранспорт воситалари учун татбиқ этилмайди.

4. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан бир қаторда ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан ҳам амалга ошириш тартиби жорий этилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга** қадар ойналари тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат берилган автотранспорт воситасига бўлган эгалик ҳуқуқи ўзгарганда, давлат рақами белгиси алмаштирилганда ёки автотранспорт воситаси эгасининг маълумотларида ўзгариш бўлганда автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатини **автоматик тарзда сақлаб қолиш** тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь




## МИНГБУЛОҚНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Мингбулоқ туманига ҳар гал борганимда йўл-йўлакай ғаллазорлар алоҳида назар соламан. Вилоятнинг бошқа туманларидаги экин майдонлари ҳолати, ривожига солиштираман.

Шунда бу ҳудудда ғалла етиштириш борасида ўзига хос мактаб, тажриба яратилганлигига амин бўламан. Айниқса, ғалла пишиб, бошоқлар она заминга гўё таъзим этаётгандек эгилган пишиқчилик мавсумида Мингбулоқ ғаллазорлари бетакрор ва фусункор кўриниш касб этади. Бугун ҳам ёз эпкинида чайқалиб турган бепоён буғдойзорлар, уни тезу соз ўриб олиш борасида амалга оширилаётган қизғин иш жараёнининг устидан чиқдик.

– 9 минг гектардан зиёд майдонга экилган ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. 48 та ўрим отрядига бириктирилган 43 та замонавий комбайн, дон ташувчи транспортлар билан режадаги донни ўриб олиб, қабул пунктларига топширдик. Соҳага хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан мавсумни тез ва талофатсиз ўтказиш мақсадида барча зарур эҳтиёт қисмлар, ёнилғи материаллари узлуксиз етказиб берилди. Ўримда фаолият олиб бораётганлар учун, махсус кўчма вагон уйлар, иссиқ овқат, шарт-шароит кўнгилдагидек ташкил этилди. Намуна кўрсатиб меҳнат қилган комбайн операторлари, отряд аъзолари туман ҳокимлиги томонидан рағбатлантириб борилди. Натижада кўзланган режа – 24 минг 636 тонналик улкан хирмон барвақт бунёд этилди. Режа 104 фоизга уддаланди. 1440 тонна уруғлик ғалла захираси яратилди. Жорий йилдан етиштирилган буғдойни эркин нархларда, биржа савдолари орқали сотиш белгилангани фермерчилик ҳаракати ривожида муҳим аҳамият касб этди. “Илхомжон Эшондадаевич”, “Алматий”, “Бахтиёр Абдусаломович”, “Қурвонбой Ҳайтқулбой ўғли”, “Порлок олтин чашмаси”, “Мингбулоқ серҳосил диёри”, “Мингбулоқ обод замини” каби фермер хўжаликлари ҳар гектар ҳисобидан 60-70 центнердан хирмон кўтариб, катта иқтисодий самарадорликка эришди. Туманимиз ғаллазорларида ҳозир ҳам ўрим қизғин давом этмоқда. Мақсадимиз, ҳосилни сўнгги бошоқларигача нест-нобуд қилмасдан ўриб олиб, халқимиз дастурхонини янада тўкин этишдир, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Баҳодиржон Мўйдинов.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

## ЖОРИЙ ЙИЛДИ 27 МИНГ ГЕКТАРДАН ОРТИҚ МАЙДОНДА СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



**Дунё афкор оммаси сув танқислигининг олдини олиш юзасида бош қотираётган бир паллада, серқуёш диёримизда сув ресурсларининг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга сарфланаётганини эътиборга олсак, бу бебаҳо неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш қанчалик долзарб эканлигини англаш қийин эмас. Шу мақсадда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сув тежамкор технологиялардан унумли фойдаланилган ҳолда, соҳага янги инновацион ускуналар кенг татбиқ этилса, ҳосилдорлик кўтарилиши билан бирга, сувни тежаш имконияти ҳам юзага келади.**

3 ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ҚАРОРИ**

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга** қадар:

оммавий ахборот воситалари **фойда солиғини** белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан **50 фоиз** камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди, реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радиотелевизион ускуналар ҳамда қоғоз **божхона божидан озод этилади;**

б) 2023 йилдан бошлаб тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларга **110 нусха** даврий босма нашрлар ва **67 нусха** китоб маҳсулотларининг **мажбурий бепул нусхаларини юбориш амалиёти бекор қилиниб**, улар томонидан босма маҳсулотларни **харид қилиб олиш тартиби жорий қилинади** (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бундан мустасно). Бунда, тегишли давлат органлари томонидан харид қилиб олиш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади;

в) бюджет ташкилотларига улардаги “кутубхона фонди” харажат моддаси орқали **даврий босма нашрлар,** уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига **обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади**.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 октябрдан** бошлаб **болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомаҳсулотларни ишлаб чиқариш** ва **эфирга узатиш** бўйича **ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа** учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача миқдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида **ҳар чоракда:**

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган **100 тагача энг яхши материал** учун муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари) қуйидан юқорига ўсиб бориш тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади**;

амалий ва долзарб аҳамиятга эга бўлган **100 тагача энг яхши таҳлилий материални тайёрлаш** ва оммавий ахборот воситаларида **эълон қилиш** учун давлат **грантлари** ва давлат **ижтимоий буюртмаларини** бериш бўйича танлов эълон қилинади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИШЛАР “ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ” ПРИНЦИПИГА АСОСЛАНГАН




**Шу йилнинг 25 июнидан 5 июлига қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш бўйича жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.**

Мазкур жараёнларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаол иштирок этиб, ўзлари сайланган ҳудудлардаги аҳоли вакилларига Конституциявий ислоҳотларнинг аҳамиятини тушунтиришмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ботирбек Тўразода Хоразм вилоятининг Боғот туманида ўтказилган тадбирда Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида йиғилганларга батафсил маълумотлар берди. Қайд этилганидек, Конституцияга ўзгартишлар “инсон – жамият – давлат” принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликни акс эттиради ва амалдаги Конституциямизнинг барча бўлимларига туб ўзгартишлар киритишни назарда тутади.

– Киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, аввало, “Инсон қадри учун” деган тамойилни рўёбга чиқаради, – дейди депутат Б.Тўразода. – Шунингдек, фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини, хусусий мулкчиликни, иқтисодий фаолиятнинг эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда Конституциявий қонун лойиҳасида давлат тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини, зарур шарт-шароитларни таъминлаши, иқтисодий фаолиятда носоғлом рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги белгиланаётгани қайд этилди. Шунингдек, лойиҳада ер қонунда назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Муҳокамаларда сўз олганлар мазкур масала бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирди. Мутахассисларнинг фикрича, Конституциявий ўзгариш тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт кўламини кенгайтириш, айниқса, халқимиз турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Мухтарама КОМИЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**2023-2024 йилларда 50 нафар журналист ва таҳририят ходимлари хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади**

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
### ФАРМОНИ

# СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

2. Белгилансинки, **2023 йил 1 мартга қадар**:

ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига **мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун молиявий жарима солинмайди**;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни **солиқ органларининг “Е-актив” ахборот тизимида акс эттириш ихтиёрий ҳисобланади**.

3. **2022 йил 1 июлдан** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мажбурий равишда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома **солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда берилади**. Бунда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан мониторинг қилиб борилади ва мониторинг давомида солиқ хавфи ҳолатларининг аниқланиши қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга асос бўлади;

солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан **беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг** ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда **тўхтатиб турилади** (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мувофиқ келмаслиги ёки солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда мавжуд бўлмаганлиги ҳолатлари мустасно).

4. Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгаши муҳокамаларида кўтарилган масалалар асосида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда солиқ органларининг ахборот тизимларини такомиллаштириб борсин;

мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган сўнгги ўзгаришлар тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтириш ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тизимли равишда ташкил этсин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси **Ш.Д.Кудбиев** белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари **Ж.А. Қўчқоров** зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг
### ҚАРОРИ

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) энг яхши материалларни **кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда электрон аниқлаш тизими – махсус электрон платформани** ишга туширсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни **демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик** билан ўтказишга эътибор қаратилсин, шунингдек, **“Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорлари:**

**бош миллий мукофот учун – автомобиль;**

биринчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари;

иккинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари;

учинчи ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари;

12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлансин.

Белгилансинки, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар “Илҳом” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **барча давлат органлари ва ташкилотлари** ўз муассислигидаги **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакли,** шу жумладан, **мобиль иловалари** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 2022-2024 йилда ажратилган Давлат бюджети ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилишини ташкил этади, кейинги йилларда уларни модернизация қилиш учун маблағ ажратиб боради;

б) 2023 йил январдан бошлаб:

давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини,** шу жумладан, уларнинг **мобиль иловаларини яратиш** ҳамда **модернизация қилиш** ва бир йил давомида **юритиш харажатларини қоплаш учун** 2026 йил 1 январга қадар **ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа** бўйича танлов эълон қилинади. Бунда, ҳар бир танлов учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади;

даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига **масофадан туриб обуна бўлиш** ва уларнинг буюртмачигача **ўз вақтида етказиб берилишини кузатиб бориш** имконини берадиган **“Обуна” ягона электрон платформаси,** шу жумладан, унинг **мобиль иловаси** яратилади;

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан “Обуна” ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг **10 фоиз, болалар учун мўлжалланган** даврий босма нашрлар обуна нархининг **20 фоиз** миқдори **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида **қайтарилади (“Cashback”),** реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно. Бунда, ушбу харажатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) 2022 йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Обуна” ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг мобиль иловасини яратсин ва **электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилсин** ҳамда унинг доимий равишда модернизация қилиниши, техник қўллаб-қувватланиши ва фаолият юритишини таъминласин.

6. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан **интеграция қилиш**, кадрларнинг **малакасини ошириш** ва журналистларнинг **хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш** мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштирилади;

б) оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ахборот хизматларида камида беш йил ишлаган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида дарс бераётган, **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига эга бўлган** шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра 1-иловага мувофиқ профессор ва доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади;

в) олий таълим муассасалари ректорларига журналистика соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таниқли ва тажрибали ходимларини, соҳанинг етук мутахассисларини жалб қилиш ва улар меҳнатини олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **қўшимча рағбатлантириш** ҳуқуқи берилади;

г) **журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари кафедраларининг ихтисослаштирилган бўлимлари** 2-иловага мувофиқ ташкил этилади;

д) оммавий ахборот воситаларида **камида бир йил** давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва таҳририят ходимларининг:

**хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми **компенсация** қилинади. Бунда, улар хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотида ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш учун **имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ компенсация** қилинади.

Бунда, ушбу “д” кичик бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси олий органи қарори билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй манзилдаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилансинки, 2023-2024 йилларда **50 нафар журналист** ва **таҳририят ходимлари** хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади ҳамда улар учун хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслар ташкил этилади. Бу борадаги тегишли харажатлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **ҳар йили** Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг тегишли ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан белгиланган тартибда **субсидия** сифатида маблағ ажратиб бориш чораларини кўрсин.

8. Журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қуйидагиларни уюшма томонидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида **юзага келган низоларнинг судгача ҳал этилишига кўмаклашиш**;

журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли **жиноят ишлари бўйича** иш юритишда уларнинг **жамоатчилик ҳимоячилари** сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

теле- ва радиоканалларнинг бадиий кенгашлари фаолиятига жалб қилинган малакали экспертларни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан доимий равишда рағбатлантириб бориш.

9. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси олий органи қарори билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси **Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан тавсия этилган медиа лойиҳаларни амалга ошириш режаларига мувофиқ вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида медиа маҳсулотлар яратиш, уларни реализация қилиш ҳамда бошқа медиа лойиҳаларни амалга оширишга рухсат берилади.

10. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига оммавий ахборот воситалари учун грантлар, ижтимоий буюртмаларнинг **сони** ва **миқдорини ошириб бориш** ҳамда бу борада **алоҳида танловлар** ўтказиш тавсия этилсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган **давлат божи миқдорини 50 фоизгача камайтириш** ҳамда уни **йил давомида бўлиб-бўлиб** тўлашни жорий қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қуйидагилар учун давлат божининг алоҳида миқдорлари назарда тутилади:

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш;

мамлакат миқёсида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) ёки ҳудудий телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш);

радиоэшиттиришларни тарқатиш.

12. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган “Матбуот уйи” бино ва иншоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

Белгилансинки, ушбу бинога даврий босма нашрларнинг таҳририятлари ижара ҳақи тўламасдан (коммунал тўловлар ва кўрсатиладиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда:

ушбу қарорнинг 12-бандида келтирилган бино ва иншоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда **замонавий медиа шаҳарча** ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин;

ушбу лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

Замонавий медиа шаҳарча лойиҳаси якунига етказилгунига қадар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинода давом эттирсин.

14. **2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари дастурда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул** эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3184-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидаги, 5-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 10-бандидаги ҳамда қарорга 1-илованинг ўн бешинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “Журналистлар ижодий уюшмаси” сўзлари тегишли келишикдаги “Журналистлар уюшмаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3195-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори **А.А.Ходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Ш.И.Асадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

**Томчилатиб суғориш ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали**



# ЖОРИЙ ЙИЛДИ 27 МИНГ ГЕКТАРДАН ОРТИҚ МАЙДОНДА СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Яқиндагина Президентимиз раислигида пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аграр соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб берилди. “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ҳам сув танқислигининг олдини олиш ҳамда маҳсулот етиштиришда сифат ва самарадорликни янада оширишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қарор ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда сув тежамкор технологиялар жорий этилганлиги юзасидан давлат бюджетидан субсидия маблағлари ажратилиши белгиланганлиги маҳсулот етиштиришда тежамкор технологияларни жорий этаётган субъектлар сонининг ортишига хизмат қилмоқда. Таҳлилларга кўра, ўтган йили 285 та қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари 9 минг 504 гектар майдонда сув тежамкор технологияларни жорий этгани учун жами 76 млрд. 64 млн. 350 минг сўм субсидия маблағлари олишди.



Жорий йилда вилоят бўйича 27 минг 900 гектар ер майдонида сув тежамкор технологиялар ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан улар ижроси юзасидан кунлик мониторинг-таҳлиллар ўтказилмоқда. Ҳар бир лойиҳа юзасидан буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар, уларнинг ҳаракат режаси, сув тежовчи технологиялар учун келтириладиган асбоб-ускуна ва бошқа ташкилий-техник масалаларни ҳал этиш юзасидан назорат ўрнатилган. Сув тежовчи ускуналарни жорий этиш ҳар гектар ер ҳисобига сувни 40-45 фоизга тежаш имконини бериши билан бирга, ҳосилдорликни 15-20 центнерга оширади. Буни вилоятдаги кўплаб кластер корхоналари, фермер хўжаликлари амалда синаб кўришди. Жумладан, Иштихон туманидаги “Maroqand Sifat Texstil” МЧЖ кластер корхонаси бир неча йилдан бери пахта етиштиришда сув тежовчи ускуналардан фойдаланиб келмоқда. Натижа ёмон эмас. Инновацион технологиялар амалиётга татбиқ этилганидан сўнг бир вақтлар 15-20 центнердан пахта хомашёси етиштирилган ҳудудлардан, биргина 2021 йилнинг ўзида 45-50 центнер ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ердан одатий усулда суғоришга нисбатан 40-45 фоиз сувни тежашга эришилди.

– Сув тежамкор ускуналарнинг яна бир афзаллиги шундаки, ғўзага агротехника қоидаларига асосан ишлов бериш, культивация қилиш кескин камаяди. Минерал ва маҳаллий ўғитларнинг айнан ўсимлик илдизига юборилиши, ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қилади, – дейди инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори Аваз Очилов.

Мухтасар айтганда, томчилатиб суғориш ҳар жиҳатдан фойдали ва самарали эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Шундай экан, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан замонавий инновацион технологиялар жорий этилса, сув ресурслари ва харажатларни тежаш баробарида, кўпроқ даромад олишга замин ҳозирланган бўларди.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
*“Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари.*

# ФАРҒОНАЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР РЕЖАНИ ОШИРИБ БАЖАРДИ



Вилоятда ғалла етказиб бериш шартномавий режаси ортиғи билан уддаланганига бир неча кун бўлган бўлса ҳам ҳамон ғаллазорларда комбайнлар ҳайқириғи эшитилиб турибди. 23 июнь ҳолатига кўра, дон қабул қилиш масканларига режада белгиланган 179 минг 640 тонна ўрнига, 180 минг 100 тонна сифатли товар дон топширилиб, улкан хирмон бунёд этилгани маълум қилинган эди.

Жорий йил вилоятда 2686 та фермер хўжаликлари томонидан 99 минг 500 гектар дала майдонларига бошоқли дон экилиб, ҳар гектаридан ўртача 80 центнердан жами 796 минг тоннадан зиёд ғалла етиштириш кўзда тутилган. Бунинг учун 28 та ғаллачилик кластерлари ташкил қилиниб, ғаллакорларга уруғлик, ёқилғи ва ўғит ўз вақтида, керакли миқдорда етказиб берилди. Агротехник тадбирлар илмий асосларга таянган ҳолда амалга оширилди. Ғалла ҳосилини етиштириш учун жамғарма ҳамда ғаллачилик кластерлари томонидан 505 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Ана шу тажриба вилоятнинг бошқа туманларида синаб кўрилаётгани бу йил озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим роль ўйнашига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Фарғонада гектаридан 100 центнергача ҳосил етиштирган юзлаб фермерлар борлигини биламиз. Бувайда туманидаги “Патилахон”, “Дониёр”, Данғара туманидан “Ёқубжонов Дадамирза”, Фурқат туманидан “Ойбек Темиров”, “Нурафшон водий” каби фермер хўжаликлар шулар жумласидандир.



– Бу йил ғалла йили бўлди, десам ишонаверинг, – дейди Бувайда туманидаги “Патилахон” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Патилахон Эргашева. – 40 гектарга яқин ғаллазорни фақат “шарбат” қудуқлари орқали суғордик. Бунда ирригация бўлими ходимлари яқиндан ёрдам беришди. Жами 7 марта, баъзи контурларни 8 марта суғордик. Ер шароитимиз яхши эди ва минерал ўғитлар аралашмасини суғориш олдидан солганимиз ҳам ўз самарасини кўрсатди. Ҳар гектар ердан ҳисоблаб кўрсак мана ҳозиргача 99 центнердан ғалла йиғиштириб олибмиз. Президентимиз ғаллага ҳақ тўлашни оширганлари, биржада бозор баҳосини жорий этишни йўлга қўйгани биз учун катта воқеа бўлди. Бунинг учун фермерлар номидан раҳматлар айтамиз.

Йиғим-терим мавсумига 335 та ўрим отряди шакллантирилди ва уларга 335 дона юқори унумли комбайнлар, 1639 дона дон ташиш техникалари, 165 та кўчма устахоналар ва 106 дона ёқилғи ташиш техникалари бириктирилди.

Ғалла сувсевар ўсимлик. Ғаллакорлар сув тақчиллигини мардонавор енгиб ўтиб, ғаллазорларни йил давомида 6 мартадан 8 мартагача суғоришни ташкил қилдилар. Шунинг учун ҳам ғаллакорлар Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассислари, ишчи-ходимларидан миннатдор эканликларини изҳор қилмоқдалар. Сувчилар ғаллазорларни “шарбат” чуқурлари орқали суғоришни ташкил қилдилар, ўғитланган ерларгагина сув тарадилар. Бунинг натижасида гектарларда мўл ҳосил етиштирилди.

Вилоятнинг Қўштепа туманида ҳам бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди, режа ортиғи билан уддаланди.

– Туманимиз бўйича 8310 гектар ғаллазордан жорий йилда ўртача гектарига 55-57 центнердан дон йиғиштириб олинди ва қабул омборларига 23 минг тоннадан ортиқ сара ғалла топширилди, – дейди Қўштепа тумани ирригация бўлими бошлиғи Аҳроржон Раҳимов. – Пахта, ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган 150 дан ортиқ фермер хўжалигидан 80 га яқини гектарига 80-90 центнердан ҳосил олган бўлса, 20 га яқин фермер хўжалиги 90 центнердан оширди. Масалан, “Насибахон Ҳабибахон” фермер хўжалигида 100 центнерга яқин ҳосил олинди. Ғаллакорларимизнинг қўлга киритган бундай ютуғида сувчиларнинг роли беқиёс. Туман ирригация бўлими атрофига уюшган барча ирригатор, мелиоратор, махсус хизмат ходимлари, мироблар, оддий сувчилар кечани кеча, кундузни кундуз демай ғаллани сувга қондирдилар. 28 гектар ғаллазорда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий қилинди. Ана шу ердан гектарига 38 ўрнига 90 центнердан бошоқли дон ҳосили олингани янги технологияни тўла оқлади. “Отабек Равшанов” фермер хўжалиги раҳбари Отабек Равшановнинг айтишича, 89 гектар ернинг яна 25 гектарига келаси йилда ёмғирлатиб суғориш усули жорий қилинади. Чунки ғалланинг нархи тўла эркинлаштирилгани, бозор асосида шакллантирилаётгани фермерларнинг чўнтагини пулга тўлдиряпти.

Гектаридан 100 центнердан бошоқли дон ҳосили йиғиштириб олган фермер Икромжон Ортиқовни суҳбатга тортдик.

– Бошоқли дон экинлари сувсевар ўсимлик бўлгани учун жами 53 гектар ерга экилган ғаллазорларимизни 8 мартадан суғордик. Бунинг натижасида кўриб турганингиздек ҳар гектар ердан 90 центнердан ҳосил йиғиб олдик. Ирригация бўлими мироблари, сувчиларидан миннатдорлигимизни айтмоқчиман. Уларнинг меҳнати туфайли сув танқислигини сезмадик

Тошлоқ тумани ирригация бўлими бошлиғи Алишер Ўтамбоев тумандаги ғалласи ўриб олинган фермерларнинг ерларини кам таъминланган, “Темир дафтар”га киритилган оилаларга озиқ-овқат экинлари экиш учун тақсимлаб берилаётганини айтди. Бу ишга туман ҳокимлиги ташаббус кўрсатиб турибди. Туман қишлоқ хўжалиги бўлими билан туман ирригация бўлими биргаликда ҳамфикр ва ҳамжиҳат ишлагани учун 5550 гектар ерда мўл бошоқли дон етиштирилган эди. Мана ҳозир 176 та фермернинг аксарияти гектарига 70-80 центнердан ғалла йиғиштириб олишга эришди. Суғориш “шарбат” чуқурлари орқали ва минерал ўғит солингандан кейингина ташкил этилди. Туман экинзорлари асосан Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали ва Андижон каналидан сув ичади. Ирригация бўлими ходимлари, мелиораторлар, махсус бўлим ходимлари бир ёқадан бош чиқариб ишладилар. Канал ва ариқларда сув равон оқиши учун доимий равишда сув йўлларини таъмирлаб, равонлаштириб турдилар.

– “Шарбат” қувурлари орқали суғориш тажрибасини пахтани суғоришда ҳам қўлламоқдамиз, – дейди Алишер Ўтамбоев. – Шу мақсадда ҳар 5 гектарга битта қудуқ, жами 1074 та “шарбат” қудуғи ташкил қилдик. Бундан ташқари, ғўза қатор ораларини суғоришда ўқариқ ва шоҳариқлар асқотяпти. Бунда сув жуда иқтисод қилинаётир. Жорий йилда 800 гектар ерда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қиламиз. 11 та фермерга банклардан 1 миллиард 440 миллион сўм кредит маблағлари чиқди. Қолган 386 гектар ер учун кластер ўз маблағидан пул ажратишга қарор қилди. “Дурдона барака”, “Соҳибжон замини”, Аббос Мирзо”, “Аминжон бува МРМ” фермер хўжаликларида ғалладан мўл ҳосил олинган бўлса, пахтани суғориш, ўғитлаш ишлари ҳам намунали олиб бориляпти. Аҳолининг кам таъминланган қатламига ерлар ажратилган. Бизнинг ирригатор, мелиоратор, насосчи ходимларимиздан 37 киши ҳар 2 та фермер хўжалигига назорат учун биркитилди. Улар ернинг тўғри тақсимланиши, белгиланган уруғнинг экилиши ва биринчи суғоришнинг вақтида ўтказилишини назорат қилишяпти.

Ҳозир вилоятнинг қайси туманига борманг ғалладан мўл ҳосил етиштириб хурсандчилик қилаётган деҳқону сувчиларни, ерларни тез шудгорлаб, такрорий экин экишга киришган, суғораётган фидойи кишиларни кўрасиз.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

## Адлия кўмаги билан фермер хўжалиги фойдасига етказилган

# МОДДИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

*Бир мурожаат изидан*

Қибрй тумани ҳокимининг 2016 йил 16 майдаги “Танлов ғолиби Тўлқинов Алишер Бахтияровичга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисида”ги қарорига асосан, Қибрай тумани “Байтқўрғон” ҚФЙ ҳудудида жойлашган “Истиқлол давр зиёси” агрофирмаси ҳудудида жойлашган 54-лойиҳадаги жами 15,7 гектар ер майдони шундан, 11,38 гектар суғориладиган экин ери, 0,94 гектар боғ, 2,23 гектар яйлов, 0,57 гектар сув ости ерлари, 0,11 гектар йўллар ва 0,47 гектар бошқа ерлардан иборат ер майдонлари танлов ғолибига фермер хўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатли (49 йил) ижарага берилган.

2016 йил 20 майда Қибрай туман ҳокимлиги ва “Алибек люкс агро балиқчилик” фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисида ижара шартномаси тузилган. Қибрй тумани ҳокими қарори асосан фермер хўжалиги рахбари Алишер Тўлқинов томонидан 11,38 гектар ер майдонида балиқчилик фаолиятини амалга ошириш учун балиқ боқишга мўлжалланган сунъий ҳовуз барпо қилинган. Аммо Қибрй тумани ҳокимининг “Истиқлол давр зиёси” агрофирмаси ҳудудидаги “Алибек люкс агро балиқчилик” фермер хўжалигига узоқ муддатли ижарага берилган ер майдонларини давлат аҳамиятидаги магистрал автойўл қурилиши объекти ҳудудига тушганлиги муносабати билан туман давлат захира ерлари таркибига қайтариб олиш тўғрисида”ги қарорига асосан қайтариб олинган ва ундаги балиқ боқиш учун мўлжалланган ҳовуз қарорга асосан бузиб ташланган. Бунинг натижасида “Алибек люкс агро балиқчилик” фермер хўжалигига 4 320 236 601 (тўрт миллиард уч юз йигирма миллион икки юз ўттиз олти минг олти юз бир) сўм миқдорда моддий зарар етказилган ва шу кунга қадар моддий зарар қопланмаган ва олиб қўйилган ер майдони ўрнига мутаносиб равишда бошқа жойдан ер майдони ҳам ажратилмаган. Мурожаат кўриб чиқилиб, туман адлия бўлими томонидан фермер хўжалигига етказилган моддий зарарни ундиришни сўраб даъво аризаси билан Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилинди. Чирчиқ туманлараро иқтисодий судининг жорий йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори билан етказилган моддий зарар Қибрай тумани ҳокимлиги ҳисобидан компенсация тариқасида “Алибек люкс агро балиқчилик” фермер хўжалиги фойдасига ундирилди.

**Одил ХОЛИҚОВ,**
*Қибрай тумани адлия бўлими бошлиғи.*



# ЎҚУВ СЕМИНАР

**Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги “Беғубор” МФЙда Ўзбекистон Республикасида келгуси йили ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан ўқув семинари ташкил этилди.**

Семинарда Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи Д.Тохиров иштирокчиларга рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябр кунлари ўтказилиши, ушбу тадбирга тайёргарлик ишларини ташкил этишда кўча номлари, хонадон тартиб рақамларини шакллантириш, кадастр агентлиги билан ҳаморликда маҳалла фуқаролар йиғинининг картографик схемаларини янгилаш, қўшимчалар киритиш ҳақида гапириб ўтди. Тадбирда қатнашган Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи эса мазкур жараён уч босқичда амалга оширилишини таъкидлади. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади.

**Бахтиёр БОЙМУРОДОВ,**
*Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.*



# УРГУТДА ҚОРАБАЙИР ОТЛАР ЕТИШТИРИЛАДИ

“Ургут тулпорлари инвест” МЧЖтомонидан келгуси йилнинг бошида Қорабайир отларини соф зотли урчитиш усули орқали кўпайтириш ва отларни миллий от спорти ўйинларига тайёрлаш технологиясини жорий этиш лойиҳаси режалаштирилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд. 452 млн. 572 минг сўмни ташкил этади. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 6 та иш ўрни яратилади.

“Quyoshli uzumzor” фермер хўжалиги томонидан эса коврак етиштириш ҳамда хорижга экспорт қилиш бўйича янги лойиҳани ташкил этиш режалаштирилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1 млрд. 500 млн. сўмни ташкил этади. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 16 та иш ўрни яратилади.

“Restocrat Live” МЧЖ томонидан эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун маиший техникаларда фойдаланиладиган симли улагичлар (штикер) ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу “бренд”ни ишлаб чиқариш учун 2 млрд сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида 15 та иш ўрни яратилади.

**А. ХОЛИҚОВ,**
*“Ўзагроинспекция”нинг Ургут тумани бўлими бошлиғи.*

2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

# Гербим – ифтихорим

Ўттиз йил. Бир инсон умрининг навқирон гуллаган даври. Бу вақт, бир йигит туғилиб, вояга етиб, камол топадиган, бири биридан катта ютуқларга эришиб, жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллайдиган ёш.




Бугун биз туғилиб, “она” деб гапира бошлаганимиздан она сўзига эгизак бўлмиш Ватан ана ўша навқирон ёшда. Шундай қисқа вақт ичида дунё мамлакатлари орасида шиддат билан ривожланиб бориш осон иш эмас албатта. Бугун Ўзбекистон деган номнинг дунёнинг исталган жойида номи янграшига XXI аср авлодларининг ҳиссаси жуда катта деб биламан. Спорт, маданият, таълим, адабиёт, иқтисод, тиббиёт соҳаларидаги эришилган улкан ютуқлар сўзимнинг исботидир.

Мустақил давлат бўлиш учун унинг мустақилликка эришганлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатининг ўзи камлик қилади. Бир оила узоқ йиллар давомида хотиржам, осоишта яшаши учун пойдевори мустаҳкам, дераза, эшиклари кўзни қувнатадиган, ёруғ ва шинам уйда яшашни, унда қўним топишни истайди. Юқоридаги саналганларимиз бўлсагина у яшаш учун тайёр деб ҳисобланади. Демакки, давлат мустақиллигини ифода этгувчи қонун ҳужжати қаторидан бир қанча рамзлар ҳам ўрин олган. Байроқ, Мадҳия, Герб, Давлат пул бирлиги, Давлат тили ана ўша белгиларнинг энг асосийларидир. Булар орасида ҳар кўрганда кўзларни қувнатадиган гербимиз ҳақида алоҳида тўхталгим келди. Сабаби, яқинда “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганига роппа роса ўттиз йил тўлади.

Демакки, Давлат герби – халқнинг эрки, бахти, ғурури ва ўзлиги тимсоли. Мен гербимизни Ўзбекистонимизнинг юзи, ташқи қиёфаси деган бўлар эдим. Боиси, у ўзида Ўзбекистоннинг сўлим табиатинию миллий бойликларимизни гўзал тарзда ифода этган. Унга бир қарашнинг ўзида Ўзбекистон деб аталмиш мустақил давлат ҳақида тушунчага эга бўлади киши. Мен гербимиз тасвиридаги Хумо қушини яхши кўраман. Чунки у кенг ва жуда ҳам эркин ёзилган қанотлари атрофида бутун Ўзбекистонимизнинг гўзаллигини жамлаган. Хумо азалий эрк рамзи. Унинг икки қанотидан олис ва пурвиқор тоғлар томон йўл олган зилол сув – бу Аму ва Сирдарё. Улкан ва чарақлаб турган қуёш диёримиз табиатининг аксидир. Шунингдек, гербимиздаги бошқа белгиларнинг ҳам ҳар бири шу Ватаннинг тасаввурини беради.

Гербимиз ҳақида фикр юритар эканман яна бир бора мана шундай гўзал бир юртда туғилганимдан, шу мамлакатнинг фарзанди эканлигимдан фахрланиб кеттим. Бевосита устоз Абдулла Ориповнинг болаликдан севиб ёдлаган шеъри ёдимга тушди:

***Мен нечун севаман Ўзбекистонни?***
***Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.***
***Нечун Ватан, дея еру осмонни,***
***Муқаддас атайман,атайман танҳо.***
***Аслида дунёда танҳо нима бор,***
***Пахта ўсмайдими ўзга элда ё,***
***Ёки қуёшими севгимга сабаб,***
***Ахир қуёшлику бутун Осиё...***

Ҳа, мана шундай. Шеър ҳам гўзал, Ватанга бўлган севги ҳам гўзал. Шу сабаб йиллар ўтган сайин унинг қадр-қиммати ошиб бораверади.

Ҳеч аҳамият берганмисиз, бизни ватанпарварлик руҳига етаклайдиган гербимиз ҳар биримизнинг хонадонимизда бор. Биз ўқийдиган китобларда миллий пул бирлигимизда, мактаб, коллеж, олийгоҳларда эришган жамийки ютуқларимизни ифодаловчи ҳужжатларга муҳри туширилган. Демакки, гербимиз биз билган рамзларимиз орасида бизга энг яқини ва ёндоши экан.

Унга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, худди ота-оналаримиз ва устозларимиз кичик бола вақтимиз бизга ўргатганидек ука-сингилларимиз, фарзандларимизга мустақиллигимиз рамзларига ҳурматда бўлишни ўргатиб боришни ҳар биримизнинг бурчимиз деб ҳисоблайман.

**Феруза РАҲМАТОВА**

Реклама

Тошкент шаҳар Олмозор тумани “Давлат хизматлари” маркази томонидан 2022 йил 14 мартда №05-2817/1 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган “A‘LO-ALI AX” (СТИР: 200653639) масъулияти чекланган жамияти устав фонди 5 521 270 000 сўмдан 2 659 370 000 сўмга камайтиралади. Мурожаат учун телефон: (+99899) 737-30-00.

## Китоб жавонингиздан мустаҳкам ўрин эгаллайди




*Истеъдодли ижодкор Абдуҳалим Мелиев навбатдаги “ФАН БУЛОҒИ” нашриётида чоп этилган китобини “Эҳ, дунё...” деб номлабди. Ўз фаолияти давомида иккита мактаб интернатда яъни бири тарбияси оғир, иккинчиси, имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган таълим муассасаларида ишлаган, боз устига раҳбар бўлиб ишлаган одам бу “оҳ”ни нафақат китобига сарлавҳа қилиб қўйиши, балки бир умр тилдан туширмай такрорлаб юриши табиий ҳол. Ҳа, Абдуҳалим Мелиев шу фаолиятда ишлаганигина эмас, шу фаолиятда юрган ижодкор бўлгани учун ҳам бундаги воқеликлар уни тинч қўярмиди? Тўғриси, унинг юрак-бағри бутун юрганига ҳам тасанно дейсан киши. Аллоҳим асрасин. Аллоҳим асрагани рост, яна бу битикларни битишга куч-қувват, теран фикру шуур ато қилгани ҳам рост. Бўлмаса бу рисолалар битилмас, битилса-да балки бу даражада мукаммал бўлмасди. Албатта, “мукаммал” сўзи менинг шахсий фикрим, ҳар ҳолда менинг фитратимга шундай бўлиб жойланди. Қолганларга эса...ўқиб хулоса қилишни тавсия қиламан.*

*Ҳа, айтмоқчи, узр, шунингдек, унинг менга тақдим этган иккинчи китоби – “Ёдимга тушар” ҳам ёдимга тушди. Бир йилча олдин нашр этилган. “QAMAR MEDIA” нашриёти чоп этган бу рисола ҳам рисоладагидек шеърий сатрларни ўз ичига олган. У ҳам китоб жавонимнинг менинг учун қадрланган китоблар қаторидан жой олган.*

**Чори ЛАТИПОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

бу бўйича жорий йилда қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилган?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, юртимизда аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан

Тошкент шаҳри туманларида ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Хусусан, олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда ташкилотларда аҳолини рўйхатга олиш бўйича тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Бундан ташқари ОАВ, расмий веб сайтлар ҳамда газета ва журналларда мақолалар бериб борилмоқда. Аҳоли гавжум бўлган жойларда жойлаштирилган LED экранларга аҳолини рўйхатга олиш бўйича тайёрланган видеороликлар мунтазам равишда қўйилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб барча туман ва шаҳарларда аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилиб, дастлаб бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва бош мутахассис лавозимлари таъсис этилади. Ушбу ходимлар 2024 йилнинг 1 январига қадар мўлжалланган шартномага мувофиқ ишга қабул қилинади.

**Э.ТУРСУНБОЕВ,**
*Бектемир тумани статистика бўлими бошлиғи.*

Реклама




QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*.

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-647. 1698 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 17.00